


Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси конституциясида миранда қоидаларининг акс этганлиги



Таъкидлаш керакки, 2023 йилнинг 30 апрель куни мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, том маънодаги улкан тарихий воқеа бўлди. Биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик.

Ушбу референдумда кейинги йилларда ҳалқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши нақадар юксалганини амалда кўрсатди.

Янги таҳрирдаги конституциямизни ишлаб чиқишида нафақат миллий ва турли миллат вакилларининг этник қадриятлари акс этди балки ривожланган хорижий мамлакатларининг илғор тажрибаларидан ҳам самарали фойдаланилди.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг (янги таҳрирдаги) 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эканлиги, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди.

АҚШ ёки бошқа ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини кўрадиган бўлсак, полиция кишини ҳибсга олишдан олдин унга асосий ҳуқуқларини санаб ўтаётганини кўриш мумкин.

Жумладан, полиция ҳибсга олинган шахснинг тўртта асосий ҳуқуқини яъни, сукут сақлаш ҳуқуқини, шахс томонидан айтган ҳар бир сўз ёки хатти-ҳаракат судда унга қарши ишлатилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилиш ҳуқуқини, адвокатга мурожаат қилиш ҳуқуқини, агар адвокат ёллашга имконият бўлмаса, кишига давлат томонидан адвокат тайинланиши ҳуқуқини санаб ўтади.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлар АҚШда “Миранда ҳуқуқлари” деб аталади. Миранда ҳуқуқлари санаб ўтилмасдан тўпланган ҳар қандай далил номақбул ҳисобланади. АҚШ қонунчилиги сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмалари судда

далил сифатида қабул қилиниши учун икки шартга жавоб беришни талаб этади. Биринчиси, сўроқ қилинган шахс унинг асосий ҳуқуқлари нимадан иборат эканлигини билиши керак. Иккинчиси, полиция берган саволларга жавоблар ихтиёрий равишда берилган бўлиши керак.

Полиция томонидан ҳибсга олинган шахс, қўпинча, ўз ҳуқуқларидан унумли фойдалана олмайди. У ё ўз конституциявий ҳуқуқлари доираси ва мазмунидан бехабар бўлади, ёки хабардор бўлса ҳам, ҳибсга олингандан кейин полиция саволларига жавоб бериш мажбурий эмаслигини билмайди. Шу сабабли, юқорида тилга олинган икки шартнинг амалга ошишини таъминлаш мақсадида АҚШ қонунчилиги полицияга ҳибсга олинган шахсга асосий ҳуқуқларини бирмабир санаб чиқиш мажбуриятини юклайди. Шу орқали ҳибсга олинган шахс барча асосий ҳуқуқларидан хабардор қилинган бўлади ва унинг полиция саволларига берган жавоблари ўз эркин иродасига кўра қилинган ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам мазкур қоидалар янги таҳрирдаги конституциямизда ўз аксини топди.

Термиз туманлааро маъмурий

судининг судьяси А.Алиқулов